



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Атажонова Хилолаҳон Зухуржоновна

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, молия бозорини ривожлантириш, хусусий сектор фаоллигини ошириш ва инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган давлат сиёсати доирасида суғурта соҳасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Суғурта фаолияти нафақат иқтисодий хавф-хатарларни камайитиришда, балки жамиятда барқарорликни таъминлаш ва фуқароларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда стратегик восита сифатида хизмат қилади.

Шу боис, суғурта компанияларининг бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, замонавий бошқарув технологиялари, рақамли трансформация ва инновацион ёндашувларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида¹ суғурта хизматларини кенгайтириш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, хавфларни самарали бошқариш ва суғурта компаниялари учун қулай шарт-шароит яратиш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Ҳозирги кунда суғурта бозорида рақобат кучаймоқда, янги маҳсулотлар, рақамли хизматлар ва халқаро стандартларга мос фаолият шакллари жорий этилаётган шароитда, суғурта компанияларини самарали бошқариш ва уларнинг ташкилотчилик тизимини такомиллаштириш тақозо этилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу мавзунини илмий тадқиқ этиш жамият ва иқтисодиёт учун долзарб ва амалий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда суғурта соҳасининг барқарор ва шаффоф ривожланиши учун қонунчилик базасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, суғурта бозорида ишонч, рақобатбардошлик ва инвесторлар учун жозибадор муҳит яратиш тўғридан-тўғри ҳуқуқий меъёрлар самарадорлигига боғлиқ.

Ўзбекистонда бу борада қатор ислохотлар амалга оширилмоқда:

- 2022 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун халқаро амалиётларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишланган бўлиб, бозор механизмларини эркинлаштириш ва рақобатни кучайтиришга қаратилган.

- Қонунчиликда солвентлик (молиявий барқарорлик) талаблари, актуар ҳисоб-китоблари, рискларни бошқариш ва суғурталовчиларнинг ҳисобдорлиги каби халқаро принциплар ўз аксини топмоқда (айниқса, IAIS – International Association of Insurance Supervisors тавсиялари асосида).

- Суғурта назорати органларининг фаолияти ҳам босқичма-босқич марказлашган, мустақил ва шаффоф тизим сари ҳаракат қилмоқда, бу эса Solvency II, Basel III каби халқаро молиявий талаблар билан уйғунликни таъминлайди.

- Халқаро ташкилотлар – Жаҳон банки, МВФ, АБР ва бошқалар билан ҳамкорликда техник ёрдам ва эксперт маслаҳатлари асосида қонунчиликни такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон -2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. 2023 йил 11 сентябрь.



1-жадвал

Суғурта фаолиятидаги халқаро стандартлар²

№	Стандарт номи	Таъриф ва мақсади	Асосий йўналишлар	Қамрови
1	IAIS принциплари	Суғурта назорати бўйича халқаро ташкилот стандартлари	Назорат, корпоратив бошқарув, миждоз ҳуқуқлари, рисклар таҳлили, солвентлик	Назорат органлари, суғурта компаниялари
2	Solvency II	Европа Иттифоқи суғурта компаниялари учун молиявий барқарорлик стандартлари	Капитал етарлилиги, хавфни баҳолаш, корпоратив бошқарув, ҳисобот ва шаффофлик	Европа бозоридаги суғурта ташкилотлари
3	IFRS 17	Халқаро молиявий ҳисобот стандарти — суғурта шартномалари учун	Молиявий ҳисоботни стандартлаштириш, шаффофлик, фойда ва зарарларни аниқ ифодалаш	Суғурта компаниялари, аудиторлар
4	Basel III	Банк тизими учун, лекин молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан суғуртага ҳам тааллуқли	Капитал етарлилиги, ликвидлик, хавфни бошқариш	Банклар, қайта суғурта компаниялари
5	OECD тамойиллари	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти тамонидан ишлаб чиқилган қоидалар	Миждозларни ҳимоя қилиш, адолатли шартлар, рақобатни қўллаб-қувватлаш	Халқаро суғурта компаниялари, давлатлар
6	FSAP (IMF/WB)	МВФ ва Жаҳон банкининг молиявий сектори баҳолаш дастури	Молиявий тизим барқарорлиги, суғурта бозори таҳлили, институционал салоҳият	Давлатлар, молия вазирликлари, назорат органлари

• IAIS – суғурта назоратининг асосий халқаро платформаси. Ўзбекистон суғурта назорати органи ҳам IAIS аъзоси ҳисобланади.

• Solvency II – мураккаб, лекин хавфларга асосланган ёндашувни таклиф этади. Ўзбекистонда босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган.

• IFRS 17 – суғурта компаниялари учун янги ҳисобот талабларини белгилайди. Бу шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайтиради.

• Basel III – қайта суғурта ва молиявий хавфларнинг умумий тизимдаги роли нуқтаи назаридан аҳамиятга эга.

• OECD – миждозлар манфаатини ҳимоя қилиш ва рақобатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

• FSAP – мамлакатнинг молиявий тизимини тўлиқ баҳолайди, суғурта соҳаси ҳам шунда ўрганилади.

² Муаллиф томонидан тузилган.



2-жадвал

Суғурта қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш жараёни таҳлили³

№	Афзалликлар	Камчиликлар
1	Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги таъминланади	Янгича талабларга мослашиш учун компанияларга вақт ва харажат талаб этилади
2	Мижозлар ва инвесторлар ишончи ортиши	Халқаро стандартлар талаблари маҳаллий бозор шароитига ҳар доим мос келмаслиги
3	Суғурта бозорида шаффофлик ва ҳисобдорлик ошади	Қонунчиликнинг мураккаблашиши ва тушунишда қийинчиликлар
4	Халқаро инвесторлар учун жозибатор муҳит яратилади	Кичик ва ўрта суғурта компаниялари қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин
5	Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имконияти	Малакали кадрлар етишмаслиги
6	Суғурта хизматлари сифатининг ошиши ва рақобат муҳитини шакллантириш	Янгиланган тизимни жорий қилишда техник ва молиявий ресурслар етишмаслиги
7	Мижозларнинг ҳуқуқлари аниқ ва самарали ҳимоя қилинади	Қонунларнинг сўзма-сўз таржима қилиниши миллий хусусиятларни инкор этиши мумкин
8	Solvency II ва IAIS каби халқаро стандартларнинг жорий қилиниши хавфни бошқаришни кучайтиради	Суғурта компанияларига норматив ва ҳисобот юктамалари ортиши

Ушбу 2-жадвал орқали суғурта қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш жараёнининг икки томонлама таъсирини аниқ кўриш мумкин. Афзалликлар стратегик даражада аҳамиятга эга бўлса-да, камчиликларни ҳисобга олмасдан туриб тўлиқ мослашишни амалга ошириш самарасиз бўлиши мумкин. Шу боис, ҳар бир қадам пухта режалаштирилиши ва миллий хусусиятлар билан уйғунлаштирилиши зарур.

Суғурта бозоридаги регуляторлик механизмлари бозорнинг барқарор, адолатли ва рақобатбардош фаолиятини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Суғурта соҳасида назоратни самарали амалга ошириш учун халқаро стандартлар, жумладан, IAIS (International Association of Insurance Supervisors) тавсиялари ва Европа Иттифоқининг Solvency II режими асосидаги ёндашувлар жорий қилинмоқда.

Асосий чора-тадбирлар қуйидагиларни қамраб олади:

1. Солвентлик ва молиявий барқарорликни таъминлаш – Суғурта ташкилотларининг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариш қобилиятини таъминлаш учун солвентлик талаблари кучайтирилмоқда. Бу орқали инвесторлар ва миждозлар ишончи мустаҳкамланади.

2. Risk-based supervision (хавфка асосланган назорат) – Назорат органлари суғурта компанияларини таваккалчилик даражасига қараб баҳолайди ва уларнинг капитал талабларини шакллантиради. Бу усул, Solvency II моделига мос равишда, хавфни аниқ баҳолаш ва прогнозлаш имконини беради.

3. Корпоратив бошқарувни кучайтириш – Суғурта компанияларида ички назорат ва аудит тизимларини ривожлантириш, масъул шахсларнинг малакасини ошириш, раҳбарлар фаолиятини халқаро стандартлар асосида баҳолашга йўналтирилган.

4. Мижозлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – Суғурта шартномаларида адолатли шартлар, аниқ маълумотлар ва шикоятларга жавоб бериш тизимини такомиллаштириш орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари таъминланади.

³ Муаллиф томонидан тузилган.



Суғурта бозорини рақамлаштириш — соҳанинг самарадорлиги, шаффофлиги ва жамоатчилик учун очиклигини таъминлайдиган асосий омиллардан биридир. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури доирасида мазкур соҳада куйидаги чоралар кўрилмоқда:

5. Электрон суғурта платформалари – Мижозлар суғурта хизматларидан онлайн фойдаланиши, полисларни расмийлаштириши, тўловларни амалга ошириши ва талабномалар юбориши мумкин бўлган рақамли экотизимлар ишлаб чиқилмоқда.

6. Э-полислар ва QR-кодли суғурта ҳужжатлари – Анъанавий қоғоз полисларни рақамлаштириш орқали тезкорлик, қулайлик ва хавфсизлик таъминланади. Бу жараён ҳужжатларни сохталаштиришнинг олдини олади.

7. Big Data ва AI технологияларини жорий этиш – Мижозларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, хавфни баҳолаш ва шахсийлаштирилган суғурта маҳсулотларини таклиф этиш учун катта маълумотларни таҳлил қилиш тизимлари ишлаб чиқилмоқда.

8. Блокчейн ва смарт-контрактлар – Автоматик равишда бажариладиган шартлар асосида суғурта тўловлари амалга оширилади, бу шаффофликни оширади ва инсон омилини камайтиради.

9. Мобил иловалар ва рақамли ассистентлар – Суғурта компаниялари мижозлар учун мобил интерфейслар ва виртуал ёрдамчилар орқали кунлик хизмат кўрсатишни ташкил этмоқда. Бу рақамли трансформациянинг муҳим қисми ҳисобланади.

Институционал ва кадрлар салоҳиятини ошириш:

Суғурта соҳасида рақамли ва регуляторлик ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши малакали кадрлар ва самарали институтларга боғлиқ. Шу боисдан:

- Назорат органлари ходимлари учун IAIS ва IFOA каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда малака ошириш дастурлари ташкил этилмоқда;
- Суғурта компаниялари ички хавфни бошқариш ва IT салоҳиятини кучайтириш учун техник кўникмаларга эга мутахассислар билан таъминланмоқда;
- Хорижий тажриба ва IT-инфратузилмаларни локаллаштириш орқали суғурта хизматларини янада ишончли қилиш чоралари кўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда суғурта компанияларини бошқаришни такомиллаштириш, иқтисодий ислохотлар ва рақамли трансформация орқали суғурта соҳасини янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Суғурта фаолияти жамият ва иқтисодиёт учун муҳим инструмент бўлиб, аҳолининг молиявий хавфлардан муҳофазасини таъминлайди ва мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини ўрнатишда муҳим роль ўйнайди. Янги Ўзбекистонда суғурта бозорини тубдан ислоҳ қилиш ва ундаги рақобатни кучайтириш, шунингдек, компаниялар фаолиятини самарали бошқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш зарур.

Давлат томонидан суғурта бозорига қаратилган янги тадбирлар ва стратегик йўналишлар, шунингдек, халқаро тажрибага асосланган бошқарув моделларини татбиқ этиш, суғурта компанияларига янги имкониятлар яратишга хизмат қилади. Рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва автоматлаштириш суғурта жараёнларини тез ва самарали бошқаришга имкон беради. Бундан ташқари, суғурта компанияларининг мижозлар билан ўзаро алоқаларини яхшилаш, мижозларга персоналлаштирилган хизматлар таклиф этиш ва хавфларни аниқлашда замонавий технологияларни фойдаланиш зарур.

Шунингдек, суғурта соҳасини такомиллаштиришда қонунчилик ва тартибга солишнинг замонавий асосларини яратиш, халқаро стандартларга мослашиш, бозордаги рақобатбардошликни ошириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Суғурта фаолиятини самарали бошқариш ва модернизация қилиш орқали, Ўзбекистоннинг суғурта бозори халқаро даражадаги рақобатга тайёр бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига сифатли ва ишончли хизматлар тақдим этиш имкониятига эга бўлади.